# ЮНЕСКО ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари буйича конференцияси — ЮНЕСКО устави қабул қилинганидан буён ўтган 50 йиллик фаолияти мобайнида ушбу обрўли ташкилот жаҳон маданияти тараққиётининг марказига айланиб қолди, десак муболаға бўлмайди. У ер юзида умуминсоний қадриятларнинг қарор топишига, маориф ва илму фаннинг равнақига муносиб ҳисса қўшди. ЮНЕСКОнинг ярим асрлик фаолияти сиёсий ва жуғрофий жиҳатдан доимий ўзгаришлар сари юз тутиб турган заминимиз тарихи билан уйғунлашиб кетади. Ушбу нуфузли ташкилот 25 октябрь -15 ноябрь кунлари Парижда бўлиб ўтган 28-Бош конференциясида ўзининг янги аср бўсағасида амалга ошириладиган фаолият дастурларини ишлаб чиқди.

28-Бош конференция ЮНЕСКО низоми қабул қилинганининг 50 йиллигига тўғри келгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Анжуманда ЮНЕСКОга аъзо 183 мамлакат делегацияси иштирок этди. Маълумки, ушбу конференцияда ЮНЕСКО тарихида биринчи марта Ўзбекистон делегацияси иштирок этди. Делегацияга Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари буйича республика миллий комиссияси раиси С. Саидқосимов бошчилик қилди.

Анжуманда ЮНЕСКОнинг долзарб стратегияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Инсоният олдидаги кенг кўламли муаммоларни чуқур таҳлил қилиш асосида ва ЮНЕСКО низомидан келиб чиқиб 1996—2001 йилларга мўлжалланган вазифалар ҳамда унинг асосий йуналишларини белгилаб берувчи мазкур стратегия яратилди. Долзарб стратегия учта икки йиллик дастурдан ташкил топган.

ЮНЕСКОнинг умуминсоний тараққиётга кўмаклашув стратегияси маорифни равнақ топтириш, омма орасида билим тарқатиш, маданий бойликларни асраш, ижодкорликни рағбатлантириш, ахборот алмашиш ва коммуникацияни ривожлантиришни кузда тутади. Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш стратегияси эса инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократиялаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, миллий маданиятларнинг ўзаро мулоқотига кўмаклашиш, можароларнинг олдини олиш, вайронагарликни тугатишдан иборатдир.

Шунингдек, Бош конференцияда ЮНЕСКОнинг икки йиллик бюджети тасдиқланди. Унга кўра маориф, фан, маданият ва коммунукацияни ривожлантириш бўйича тўртта йирик дастур амалга оширилади.

ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон тарихи ва бой маданий меросига катта қизиқиш билдираётгани маълум. Бу бежиз эмас, албатта. ЮНЕСКО ўзбек халқнинг бой маданий меросини ўрганиш ва уни дунёга танитиш борасидаги Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Буюк бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллигини 1996 йили ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида нишонлаш, 1997 йили Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигини тантана қилиш мазкур нуфузли ташкилот календарига киритилди.

28-Бош конференция ЮНЕСКО тарихида илк марта Марказий Осиё мамлакатлари учун махсус дастур қабул қилди. Дастурда Марказий Осиёнинг қадим тараққиётини урганиш, уни тиклаш ва жаҳон жамоатчилиги орасида кенг тарғиб қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО уртасидаги ҳамкорлик уфқлари жуда кенг. Шу йили Самарқандда Марказий Осиё талқиқотлари халқаро институтининг очилиши, «Ипак йўли-мулоқот йўли» дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирлар, Орол денгизи муаммосини бартараф этиш борасида илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши — буларнинг барчаси ЮНЕСКО номи билан боғлиқдир.

«ЮНЕСКО узбек халқининг қадимий тарихи, маданияти ва санъати, аждодларимизнинг жаҳон билимлар хазинасига қушган ҳиссасига алоҳида эътибор бермоқда ва бунинг учун мамлакатимиз халқи беҳад миннатдордир», деган эди Президент Ислом Каримов. Дарҳақиқат, ЮНЕСКО халқимизнинг маданий-маънавий қадриятларини жаҳон жамоатчилигига етказишда улкан ишларни амалга оширди. Бу ЮНЕСКОнинг жаҳон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги мақсадига тўла ҳамоҳангдир. Унинг 28-Бош конференциясида қабул қилинган ҳужжатлар янгидан-янги хайрли мақсадларни амалга оширишда муҳим дастур бўлиб хизмат қилиши аниқ.

(ЎзА).

*Туркистон — умумий уйимиз*

Бақо СОДИҚОВ:

# АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

***Маълумки, Марказий Осиё давлатлари илмий-адабий жамоатчилигининг ташаббуси билан 20-22 ноябрь кунлари Тошкентда минтақада истиқомат қилувчи қардош халқлар вакилларининг қурултойи бўлиб ўтади. Минтақа миқёсидаги бундай нуфузли маданий тадбирни ўтказишдан асосий мақсад халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошликни янада мустаҳкамлаш, муштарак анъаналар ва маданиятларнинг ривожланишига кенг йўл очишдир.***

***Қурултой арафасида ЎзА мухбири Тожикистон делегацияси вакили — таниқли кинорежиссёр, Тожикистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Рудакий номидаги давлат мукофоти соҳиби Бақо СОДИҚОВнинг дил сўзларини ёзиб олди.***

— Марказий Осиё давлатлари фан, маданият, адабиёт ва санъат арбобларининг ташаббуси билан ҳукуматга алоқадор бўлмаган «Туркистон халқлари маданияти форуми» минтақавий ҳаракати ташкил этилгани айни муддаодир. Биз барча муваффақиятларимизни баҳам кўриб, фикрлашиб, тажриба алмашиб ижод қилиш имкониятига эга бўлдик. Дарҳақиқат, халқларимиз азалдан қондош, динимиз бир, урф-одатларимиз, удумларимиз ҳам бир-бирига ўхшаш, санъатимиз ва маданиятимиз бир олманинг икки палласидек. Мен олий маълумотни Ўзбекистонда — Тошкент санъат институтида олдим. Ижодий фаолиятимни эса Душанбеда — «Тожикфильм» киностудиясида режиссёрликдан бошладим. Мана, қарийб ўттиз йил мобайнида кўплаб фильмлар яратдим. Шуни фахр билан айтишим лозимки, бу асарларимнинг асосий қисмини Марказий Осиё республикаларидаги касбдошларим билан ҳамкорликда яратганман. Ўзбек киночилари билан «Бухорои шариф», «Жазира», «Имом Бухорий» бадиий фильмларини суратга олдик. Бу фильмларни яратишда актёрлар ҳам, операторлар, техник ходимлар ҳам икки республика вакилларидан иборат бўлди. Бундай яқин ҳамкорлик бирбиримиздан ўрганиб, ижодимизни янада равнақ топтиришда қўл келмоқда.

Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, бу ердаги мустақил давлатлар ўртасида иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш, бир улкан чинор шохлари бўлган халқларимизнинг тотувлигини асраш бугунги минтақавий сиёсатнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Халқларимиз бир тан, бир жон бўлиб биргалашиб ҳаракат қилсагина кўзланган мақсадга эришамиз. Бунинг учун Марказий Осиёнинг санъаткорлари, ёзувчилари, умуман, барча зиёлилари биргалашиб ижод қилиши, ўзаро борди-келдиларни янада ғуркиратиб, қадимий анъаналаримизни давом эттириши лозим. Тошкентда ўтказилажак халқаро анжуман — «Туркистон халқлари маданияти форуми»нинг биринчи қурултойи шу мақсадни амалга оширишга, ўзаро алоқаларни ривожлантириш, халқларимизни янада яқинлаштиришга катта ҳисса қўшади, деган умиддаман.

(ЎзА).

# ОЛАМДА НИМА ГАП?

## МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗИШГА ЧАҚИРДИ

***БМТ Хафсизлик Кенгаши Грузия билан Абхазияни тезроқ сиёсий музокаралар ўтказишга чақирди.***

Ушбу қарор БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолийнинг «Абхазиядаги вазият ҳақида» Хавфсизлик Кенгашига тақдим қилган навбатдаги маърузасидан кейин қабул қилинди.

## ҚОЧИБ КЕТИШГА УРИНГАНЛИГИ САБАБЛИ

***«Мехидриани», («Чавандозлар») ҳарбийлашган ташкилотнинг йўлбошчиси Жаба Иоселиани хорижга қочиб кетишга уринганн сабабли ҳибсга олинди, деб хабар қилади Грузия прокуратураси матбуот маркази.***

Хабарда таъкидланишича, у шу йилнинг 29 августида Грузия давлат раҳбари Эдуард Шеварднадзега уюштирилган суиқасдга алоқадорликда гумон қилинмоқда.

## МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИБ КЕЛМОҚДА

***Югославия Босния сербларн назоратидаги ҳудудларда чегараларни ёпиб туриш ҳақидаги мажбуриятни бажариб келмоқда, деди Хавфсизлик Кенгаши вакили Эл-Хусаиби бўлиб ўтган маслаҳат кенгашидан сўнг журналистларга.***

Унда Россиянинг вакили яна бир бор халқаро ҳамжамиятни Югославияга қарши қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишга чақирди.

## ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ ТЕКШИРИЛМОҚДА

***Венесуэла пойтахти Каракасда юз берган авиаҳалокат натижасида 6 киши ҳалок бўлди.***

Кичик ҳажмдаги мазкур самолётда республика президенти Рафаэл Кальдерининг шахсий экипажи бўлиб, самолёт «Либертадор» ҳарбий ҳаво кучлари қароргоҳига учаётганида ерга қулаб тушган. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу ҳалокатнинг сабаблари фақат чуқур текширувлардан кейингина маълум бўлиши мумкин.

## КЎПЧИЛИК ОВОЗ БИЛАН...

***Франция Миллий Мажлиси депутатлари кўпчилик овоз билан Ален Жюппе ҳукуматига ишонч билдирди.***

Мазкур масала Бош вазирнинг ўзи томонидан мамлакатда ижтимоий таъминот тизимида ислоҳотлар ўтказиш ҳақидаги киритган таклифи туфайли Франция қуйи палатаси муҳокамасига қўйилган эди.

## ...БОШИ БЕРК КЎЧАГА КИРИБ ҚОЛДИ

***АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг Дейтон шаҳри яқинида жойлашган қароргоҳида Босния бўйича олиб борилаётган музокаралар боши берк кўчага кириб қолди.***

Музокаралар ҳафта охирларига келиб тўхтаб қолиши мумкин, дейилмоқда мазкур хабарда. Айни пайтда эса Сербия, Хорватия ҳамда Босния ва Герцеговина раҳбарлари ватанларига қайтиш тараддудига тушиб қолишди.

## БЎЛАЖАК САФАР БОШҚА ВАҚТГА ҚОЛДИРИЛДИ

***АҚШ Президенти Билл Клинтон Япония Бош вазири Томиити Мураямага Японияга бўлажак сафарини бошқа вақтга қолдирганини телефон орқали маълум қилди.***

АҚШ маъмурияти раҳбари шу йилнинг 18-19 ноябрида Осака шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё-Тинч уммони иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашувига боришни режалаштирган эди.

## ЎЗ НОМЗОДИНИ КЎРСАТИШНИ КЎЗДА ТУТМАГАН

***«Мадрид НАТО Бош котиби лавозимига ўз намзодини кўрсатишни кўзда тутмаган», деди Испания ҳукумат раҳбари Фелипе Гонсалес.***

Шунингдек, мазкур масала ҳукумат мажлисида ҳам, социалистик партия раҳбарлари ўртасида ҳам муҳокама этилмаган, дея таъкидлади у Страсбургда бўлиб ўтган матбуот анжуманида.

# РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 17 ноябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 34,88 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 34,80 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 18 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 25,77 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,52 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 54,11 |
| 10 Бельгия франки | 12,05 |
| 1 Голландия гульдени | 22,13 |
| 10 Греция драхми | 1,50 |
| 1 Дания кронаси | 6,39 |
| 1 АҚШ доллари | 34,80 |
| 1 Миср фунти | 10,24 |
| 1 Ирландия фунти | 55,75 |
| 1 Исландия кронаси | 0,54 |
| 10 Испания песети | 2,88 |
| 100 Италия лираси | 2,19 |
| 1 Канада доллари | 25,71 |
| 1 Қувайт динори | 116,12 |
| 100 Ливан фунти | 2,18 |
| 1 Германия маркаси | 24,80 |
| 1 Норвегия кронаси | 5,61 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,37 |
| 1 Сингапур доллари | 24,65 |
| 1000 Туркия лираси | 0,66 |
| 1 Финляндия маркаси | 8,30 |
| 1 Франция франки | 7,18 |
| 1 Швеция кронаси | 5,28 |
| 1 Швейцария франки | 30,62 |
| 1 ЭКЮ | 45,32 |
| 10 Япония иенаси | 3,42 |
| 1000 Россия рубли | 7,67 |
| 1 Эстония кронаси | 3,09 |
| 1000 Украина карбованеци | 0,20 |
| 1 Латвия лати | 65,41 |
| 1 Литва лити | 8,70 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,55 |
| 1 Молдова лейи | 7,55 |
| 1000 Беларусь рубли | 3,03 |

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шахобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда воситачилик ҳақи олинмайди.


Doğan

- Сиз муносиб баҳода сотиб олишингиз мумкин бўлган энг яхши автомобиль!









*У қудратли двигателга, ажойиб юриш сифатларига эга. Бир йил давомида бепул хизмат кўрсатиш кафолатланади. Ўзбекистон муҳитига ниҳоятда мослилик, шинамлик ва жозибадорлик - бизнинг автомобилимизга хос сифат белгиларидир.*

**Doğan автомобилларини**

***Тошкентдаги омбордан "ТАШКОЧАВТО" ўзбек-турк қўшма корхонаси сотади.***

***"Ташкочавто" бу "Тофаш"-"Фиат" заводларининг расмий мижози.***

TOFAŞ

FIAT

TASHKOCAUTO

**Манзилимиз:**

***Тошкент, Ойбек проспекти, 47.***

***Тел.: 54-35-98. Факс: 54-99-27.***

